



ЗУЛФИЯ,
Ўзбекистон Халқ шоири

Гулу райхонларнинг таралди атри,
Самони қоллади майин бир кўшиқ.
Бу кўшиқ нақадар ошно, яқин,
Нақадар ҳаётбахш, оташга тўлиқ.
Баҳорги бурканган сен севган элда,
Овозинг янгради жўшқин забарласт.
Ўлмаган экансан, жоним, сен ҳаёт,
Мен ҳам ҳали сенсиз олмадим нафас.
Хижронинг қалбимда, сўзинг кўлимда,
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.
Тулар тушимдасан, кундуз ёлдам,
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!

Kitob duniyosi

Маънавий-маърифий, адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий газета

№ 04 (317)
2020 йил
8 март. Газета
ҳар ойнинг
иккинчи ва
тўртинчи
чоршанбасида
чоп этилади.



Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон Халқ шоири

Йиқилмагин,
Йиқилгани суйилган одам йўқ.
Фақатгина олар дўстмас,
Берар дўстинг бўлса ҳам,
Узинг тик кет, омонатдир,
Бир устунин ушлама.
Қабргача, улимгача борар
дўстинг бўлса ҳам
Ўлимгача ўзинг тик кет,
Йўлларда ер тишлама.
Ади иш!
Билган ҳолда, кўларингда мотам йўқ
Йиқилмагин,
Йиқилгани суйилган одам йўқ!

Бизни билган билади, билмаган ўзи билади.

Жалолiddин РУМИЙ



Бод касали ва
чин муҳаббат
илк бор безовта
қилмагунча
ишонмайдилар.

Мария
ЭБНЕР-ЭШЕНБАХ



Муҳаббат –
энг яхши
косметика.

Жина
ПОЛЛОБРИЖИДА




Муҳаббат – ҳамма нарса.
У ҳақда биладиганимиз шу, ҳолос.
Эмили ДИКИНСОН



Муҳаббат –
ишонч.

Мэрилин
МОНРО



Аёл киши
учун севимли
бўлмаслик –
бахтсизлик, ҳеч
қачон севмас-
лик – фожиа.

Дороти ДИКС

Муқаддас Она, мўътабар аёл сиймоси, оила ва жамият устунни, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлмиш хотин-қизларимизни гўзаллик ва нафосат, янгилавиш ва яшариш айёми билан муборакбод этамиз!

Маргарет ТЭТЧЕР, баронесса, Буюк Британиянинг собиқ Бош вазири

АЁЛ ИШСИЗЛИГИ – ИНСОНИЙ ФОЖИА

Бугун мамлакатимизда ишсизлик даражаси инсоният фожиасига айланмоқда. Мен ишсизлик муаммосидан чуқур қайғуга ботаман. Эркак ва аёллар ишсизликка йўлиққан экан, инсонийлик қадр-қиммати чилпарчин бўлади. Агар бир тугмачани босиб, чиндан ҳам ишсизлик муаммосини ҳал қилиш мумкин бўлганда, сиз ўйлайсизки, ўша дамда тугмачани босмасмидим? Бу ишсизлик давом этаверишидан қандай сиёсий наф бор-йўқлиги ҳақида кимдир бош қотираётгани ўзи? Ўзини ҳурмат қилган одамлар ҳалол ишлашни исташади, чунки бошқалар улардан уялмасликлари ва ақча тўлашдан қўрқмасликлари лозим.



Индира ГАНДИ,

Ҳиндистоннинг собиқ Бош вазири МЕН – БОР-ЙЎҒИ АЁЛ ЭДИМ

Болалигимдан атрофимда фавқуллодда одамлар бўлди ва ўзим ҳам фавқуллодда воқеа-ҳодисаларда қатнашиб келдим. Мана шундай шароитларда ички ва ташқи олашим, шахсий ва ижтимоий ҳаётим тўқнашган болалигим ўтди. Бу дунё танланганлар учун қаттол макондир, айниқса, ҳис-туйғуларини йўқотмаганлар учун. Отам давлат арбоби эди. Мен – бор-йўғи аёл сиёсатчиман. Отам табарруқ инсон эди. Мен эса йўқ. Бир куни бобом одамлар меҳнат қиладиганлар ва ана шу меҳнат натижасини ўзига олиб қоладиганларга бўлинадди, деб айтганди. У киши менга биринчи гуруҳга киришни маслаҳат берганлар, негаки бунда рақобат камроқ бўлар экан. Тарих – энг ёмон ўқувчилари бўлган энг яхши ўқитувчидир. Муштум билан қўл сиқишиб бўлмайди. Ҳиндистонда бирорта ҳам сиёсатчи сигирларни еса бўлишни тушунтириб беришга журъат қилолмайди. Мен ўзимни жудаям кичкина қафасдаги қушга ўхшатаман – қаёққа учмай, қанотларим симчиқларга урилаверади. Азоб-уқубатда ўлиш – интиҳо эмас, бу бор-йўғи ибтидодир.



Фуруғ ФАРРУХЗОД, эронлик атоқли шоира

УЛАР ШЕЪР ЁЗАЁТГАНДАГИНА ШОИРДИРЛАР

Шоир бўлиш бу, аслида, инсон бўлишдир. Айримларни биламан, кундалик турмуши билан ёзган шеърлари ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ. Яъни улар шеър ёзаётгандагина шоирдирлар, кейин эса шеър билан бирга ўзлари ҳам тугайдилар. Икки хил бўлиб қоладилар: бири таъмагир, ифлос, очкўз, золим, нодон, калтафаҳм, бадбахт, ҳасадгўй ва пасткаш. Майли, бу одамларнинг гапига қулоқ солиб ўтирмайман. Мен кундалик ҳаётга кўпроқ эътибор бераман ва бу оғаларимиз шеър мақолаларида мушт дўлайтириб оқ-фарёд қилганларида бунинг самимийлигига ишоналмайман ва уларга нафратим янада кучаяди. Наҳотки, бир бурда нон илинжида бунчалар дод-вой қилсалар, деб қоламан. Менинг фикримча, ижод билан шугилланадиган ҳар бир киши, авваламбор, ўзини тартибга солиши ҳамда мукамал қилиши, сўнгра ўз МЕНидан ташқарига чиқиши керак. Ўзига бутун борлиқнинг бир бўлаги деб қараши керак, токи идроки, фикрлари ва сезимларига битта умумийлик бахш эта олсин.

Форс тилидан Шоҳрўз МЎМИНЗОДА таржимаси

Росалба Фантастикко ди КАСТРОН,

италиялик таниқли шоира

ҲАНУЗГАЧА ИТОАТДАМИЗ

Худо аёлни ўзининг улувворлигига мувофиқ, яратувчан қилиб яратди. Аёлни эркакка ўхшатиб яратди – Унинг қодир иродаси маълум эди. Яратган икки хилқат бир-бирининг устидан ҳукмронлик қилишини истамади. Шу боис, умр йўли давомида муносиб мадақдор бўлмоғи учун, аёлни эркакнинг бошидан ҳам, оёғидан ҳам эмас, унинг қовурғасидан яратди. Сўнгра иккаловини ҳам Ўзи яратган боққа туширди. Ушбу боғ бизнинг мамлакатимизда путур етган мимоза новдаларига айланиш ҳавфи остида қолди. 8 март куни аёллар бирор юмуш билан машғул бўлмайдилар. Бу кун аёллар "базм"и ҳам эмас. Италияда шундай дейилади. Бошқа мамлакатларда эса "Халқаро хотин-қизлар куни". Аввалбошда истибодда қаршилиқ кўрсатишда катта аҳамиятга эга бўлган бу байрамни бемазадан-бетаъсир, тижоратга берилган замонавий маданият оёғини осмондан қилиб қўйди. Италияда "аёллар куни" асосан таскин-тасалли маросимига айланиб улгурган. Бу кунда хотин-қизларга гул ва шоколадлар совға қилинади. Бошқа томондан эса, баъзилар бунни ўч олиш деб ҳам қабул қилишади. Сирасини айтганда, 8 мартда ёрқин либослар кийган хотин-қизларга тўла муваффақ жойларда тантана қилишга барҳам берилди. Бу шундай кунки, аёллар йил сўнгига қадар руҳсат берилмаган ишларда ўзларига эрк бериши мумкин бўлган сана. Шундай қилиб, 8 март куни нима содир бўлиши мумкин? Ўша "нимадир" фақат "аёллар куни" бўлгани учун юз бериши керакми? Афсуски, мана шу кундан сўнг биз яна-тагин тобе ҳолатига қайтаемиз. Нега деганда, бизнинг мамлакатда, жиддий муносабатларда, аёллар ҳали-ҳамон итоаткорлигимизча қолганмиз. Тенгхўққуқлик – бу бор-йўғи зоҳирий кўринишдир, чунки ҳурмат-иззат – ноёб товар ҳисобланади.



Ди.лфуза ШОМАЛИКОВА, "Гунча" журнали Бош муҳаррири

АЁЛ ШУНДАЙ...

Ўша куни дунё эртатка айланиб қолади: бувимнинг чўпчакларини қайта-қайта эшитсам-да, оҳори тўкилмайди. Онамнинг алласи кўнглимни ўстиради... Ҳаёлимдаги ўй ҳумори таскин беради. Атрофга қарайман: офтоб юз очадиган макондан еру осмон тутатиб кетган манзил оралиғида нур куринади. У гоҳ ҳовучлаб қуйилаётган, гоҳ дуога очилган қўллар шаклини олади. Бу сиру синоат – она кўнглининг тилаганлари, кўрганидан ҳузур қилса-да, истаги ихтиёридан ўтиб сўраган ниятларининг нур ёмғирга айланганидир. У тўрт фаслнинг ҳамроҳи – тонг ва шомнинг чегараларини унутиб, ёғади, ёғаверади. Шунинг эвазига-да осмон ерни, ер осмонни тутиб туради. Унинг чимдим юки аёлнинг елкасига опичлаб олган болакайга ўхшайди. Оғирлигини унутади, қувончини ўзиники қилади.

Ер шарининг жамики оналари шундай яратилганга ўхшайди. Эъзозу эҳтиромлар олдида тортиниб туради-ю, қимтиниб турган чехраси ичидан ёришиб кетади. Уларнинг сафида ўзини кўриш ҳар онанинг орзуси... менинг ҳам! Шукроналик умрни зийнатлайди. Кун чиқиш билан кун ботиш оралиғидаги масофа онага бир қадам! Қадамчалар изингни тўлдириб келишини истайсан. Дунёнинг гулзори денгиздек чайқалганда, набираларинг тутган дала гулини унга асло алмаштирмайсан! Аёл шундай – ақл билан кўнглининг муросабони. Кўнглидан кечиб кўнгул олади. Айлантираётган халқасининг бир занжирга айланса, у ўзини улағувчи – дунёдаги энг оддий, армонсиз малика ҳис қилади.



Бу жоним жанонни хуш кўрар, ёр сени, бир сени истарам



Зебо РАҲИМОВА

МАШРАБОНА

Гулёр гулбўйинги истарам, азобу уйинги истарам, юракдан келгучи ҳар лаҳза зардиб суйингни истарам... Мени тун қақирди, уйғониб кетдим, илиқ бир шаббода тутди қўлимдан, хур нурлар мавжиде безовта бир сир, хуррак кичиричалар чиқди йўлимдан...

Ўғлим Элёрбек тўрт-беш ёш бола пайти эди. Байрам арафасида: "Менга совга оберинг, сизни табриклайман", деб (бола экан-да) хархаша қиларди. Дадаси олган совгасини кўрсатиб, мана шу иккимизнинг номимиздан, деса кўнмай ер телиб йилларди. Бирон хил матоми, рўмол ёки сочқими, қўлимга илинганини жавондан олиб берсам, севиниб ўраб-чирмашга тушарди. Байрам куни эрталаб: "Мен сизни яхши кўраман, аяжон", деб табриклаб, юрагимга қувонч улашарди. Эсимда, 6 март куни эди. Одатича, мендан совга сўрамаётгани учун ўғилчама: "Ҳар доим мендан байрамлик сўрадинг, бу йил нега жимсан?" - дедим. У кешик тишларини кўрсатиб жилмайди: "Мен катта бўб қолдим, аяжон, мактабга борган бола ўзи совга олиши керак", деди. Тўшлығы учун берилган бир-икки сўм пулни совга олишга йиғиб қўганини эшитиб, кўзимга ёш келди. Эртаси куни ўғлимнинг ўқитувчиси ишонкамга кўнроқ қилиб: "Элёрбек катта танаффусдан сўнг қайта синф хонасига кирмади, ҳеч қаердан тополмаяптиз", деган хабарини айтганида юрагим қалқиб кетди. Дадаси билан хабарлашиб, биримиз уйга, биримиз мактабга қараб чопдик. Уйдан ҳам, яқин қариндошларникидан ҳам тополмадик. Ҳамма оёққа турган, мен эса: "Менинг болам ақли, албатта, уйимизни топиб келади. Яқин вақтда унинг қайтиши бўлади", дедим.



Мунаввара УСМОҲОВА, "Саодат" журнали Бош мухаррири

Тўшсам танийман, деб уйимизни ўзи топиб келганимиш. Боламин омон кўрганам, ўз уйини таниб келгани учун минг шукрона қилганим билан юрагимни ваҳима, кўрчин тарк этмасди. Тўш билан алаҳсираб чиқдим. Иссигим кўтарилди. Лабларимга учуқ тошиб, гапиришга ҳам ҳолим йўқ эди. Кўзимни очсам, бошимда ўғилчам мунгайиб ўтирган экан. Қўлида ялтироқ рўмол... Ие, нега ухламадинг, дам олиш куни-ку, деган саволимга: "Ухламадим, аяжон, мен сизни ўрнингизга намоз ўқидим. Мени кечиргин, Худо, аямни хурсанд қиламан деб, касал қилиб қўйдим, мени кечиргин, онам яхши бўлиб қолсин, деб Худодан сўрадим", дея йиғлаб юборди... Яхшиям байрамларимиз бор. Яхшилиқ - яхшида! Боболар молларга, болалар оналарига, акалар сингилларига яхшлик илинадиган кунларга яна етдик. Бу йил онам 85 баҳорни қарши оляптилар. Юрагим, қалбим ўзимдан олдин йўлга чиққан. Онаминг бағрига ошқялпан. Баҳорлар билан қўлгайдим. Аёл - мөҳр-муҳаббат, аёл-гўзаллик ва нафосат тимсоли. Ватан, қуёш, замин сўларининг она сўзи билан пайваст айтилиши бу аёлнинг улғулиги. Мухтарам олпа-сингиллар! Нафосат ва гўзаллик байрами - Халқаро хотин-қизлар куни қутлуг бўлсин! Баҳорингиз бахт олиб келсин, бахтингиз йўллари мунаввар бўлсин!

Кизалоқлигимда бу байрамни оналарнинг, хусусан онам ва буюмнинг байрами деб ўйлардим. Албатта, бу менинг болаларча тасавуриим эди, ҳоло. Кейинроқ бу кун мен нега аёллар бу қадар мароқ оладиган кун эканлигини тушунолмайдиган санага айланди. Улғайганимдан сўнг эса, унинг нишонлашини аёллар жуда севадиган, бошқаларга ҳам илиқлик улашмоқ учун кийиниш-ўйсан-тусанларга айрича эътибор берадиган байрам эканини анлаганман. Ўша куни бутун шаҳар, бутун ўлка аёл зотиға эҳтиромини изҳор этади, ҳатто сўзга нўноқ эрлар ҳам умр йўлдошининг гўзаллиги таърифиға бир-икки оғиз ширин сўз айтишга журъат қилади. Аини дамда менинг она юртим Албанияда бу сана АҚШдаги каби кўтаринки руҳда байрам сифатида нишонланмади. Халқаро Аёллар куни деб юритилди, ҳоло. Бизда май ойида оналар куни кенг нишонланади, бироқ ҳануз бутун Албан хотин-қизлари учун умумий байрамнинг йўқлиги ачинарли. Шунингдек, шаҳсан мен учун бу кун сарҳисоб кунни ҳамдир: биз қанчалар одимладек ё қанчалик ортада қолдик; ўзимиз учун ёхуд келажак авлод - қизларимиз учун нима қилишга улгурдик? Шундай даврлар келадигани, ҳар бир миллат хотин-қизлари мактабда, олийгоҳларда барча билан тенг билим олади. Барча аёлларга юксак ҳурмат ва эҳтиром билан қаралади. Биз хаёларга эрк, ўзимиз ва бошқа аёллар учун соғинадиган дунёимизни тасаввур эта оламиз. Шу каби тахайюлга шўнғиш баробарида ҳаётимизда ҳам биз ўйлаган нарсаларни яратишга бел боғлаган бўламиз. Бизнинг орзу қилмоққа журъатимиз етиши керак!

Мен учун бу кун - дунёдаги энг матонатли, мөҳнатқаш, жамиятда эркалар билан тенгма-тенг туриб тер тўқаётган аёлларни эъзозлаш кунидир. Ўша кунда рўйи заминда жимми инсон аёл зотиға таъзим айлаб, қўлларга кўтаради. Бирок, ҳақиқат шуки, атиги бир кундан сўнг қимлардир ширин ташвишлари билан, яна қимлардир ўз юмушлари билан ҳам ва бахт тўла ҳаётларига равона бўладилар. Тўғри, байрам турли хил моддий совғаларга мўл. Таъбир жоиз бўлса айтардимки, мен айёмни шундай совғалар билан ўлчамайман. Яқинларимнинг шунчаки бир инсон сифатида қадрлашлари мен учун қифоя. Барчага кундай равшанки, аёллар ҳозирги кунда оламшумул ишлар қилиб, юқори чўққиларни забт этиб келяптилар. Каминга аёлни қўйлашдан ҳеч қачон чарчамайди. Эркалар наздида биз доимо улардан нафратланамиз. Улар бу фикрга ўзларини қанчалик ишонтирмадилар, аммо, нафрат туйғуси аёл учун ётдир, қолаверса, биз кечиримли халқимиз. Аинан менинг ижодимда она шундай мураккаб туйғулар ақс этган, десам адашмаган бўламан. Ҳар бир аёл ўз-ўзига мөҳр бера олиши керак. Кўзгү олдиға бориб, ўзининг қай даражада гўзаллигиға иқрор бўлиши керак. Қон-қонига сингиб кетган фаҳм-фаросат, ақл-идроқидан ҳайратланиши даркор. Даврлар оша, эндиликда, биз, аёллар ўз-ўзимизни севишни ўргандик ва нафосат туйғусини эдик. Азизларим, бу буюк муҳаббат сизларни бир кунгина эмас, балки бутун умр тарк этмасин!

Сарита Шарма, хиндистонлик шоира ва ёзувчи, "TAFED" журнали Бош мухаррири



Йўлашимча, дунёдаги ҳар қандай аёл ўз байрамини кўнглидагидек, кўтаринки руҳда ўтказишни орзу қилади. Масалан, мен шу куни эрта тонгдан ҳаммага но-нушта тайёрлаш фикри билан уйғонмайман ҳар тугул... Ўз ётоғимда истаганимча дам оламан. Агар нонуштани хонамга тайёрлаб олиб чиқадиган яқиним бўлса борми?! Бундан ортик бахт бўлиши мумкинмас...

Тарона ТУРОН, озар шоираси

8 Март - мен учун биз қора ва ўткинчи деб билган дунёни гуларнинг атриға, гўзаллигиға бурканадиган бир фараҳбахш кундир. Аиникса, шаҳарнинг тош кўчаларида аёлларни қўлларига турфа рандаги атиргуллар билан болаётганини кўриш, уларнинг севгучи кўзларга, кўнгилларга ожизона кўз тикиб қарашларининг ўзи ҳам одамга олам-олам қувончу шодлик бағишлайди. Шунинг учун ҳам бу кунни, бошқа кунлардан фарқли ҳолда, ўзгача яхши кўрамиз, акс ҳолда, унинг-да бизни ташвишлари дардларға кўмиб ўтувчи оддий кунлардан фарқи фарқи бўлмасди. Бу кунни ўз оиланг бағрида, сен ва сени яхши кўрувчи инсонлар даврасида, энг асосийси, тинч-осойишта ватанда, осуда осмон остида, кичкинагина ҳовлингдаги боғда нишонлаш, менимча, энг катта бахт бўлса керак. Албатта, аёл учун ҳар қандай моддийдан устун турадиган нарсача ҳам шу - озгина бахт, озгина эътибор, озгина севи. Сиз ўша кўнглини асрашга, озор бермасликка, қийнамасликка, уни ҳаминча тушунишга урининг, бўлди, аёл ҳамма нарсаси, кўнглию мөҳр-муҳаббати билан сизники бўлади-қолади. Мен бу кунда ҳар ўйил онасига, ҳар ака синглисига, ҳар ука оласига, ҳар эр аёлиға, ҳар кўнгил кўнгилға уни чин диддан яхши кўришини айтмоғини сўрайман!

Ҳар бирингизни софдил бўлганингиз учун, самимий бўлганингиз учун, муҳаббатга тўла бўлганингиз учун ҳам яхши кўраман, Азиз Аёллар!

Дилфуза КОМИЛ, "Маърифат саодати" газетаси Бош мухаррири

Халқаро хотин-қизлар кунининг мен учун алоҳида аҳамиятти бор десам, алдаган бўламан. Мен учун (ва аминманки, бутун инсоният учун) Аллоҳнинг инъом этган ҳар бир кунини алоҳида аҳамиятга эга. "Ҳар бир янги кун - Жаннат учун навбатдаги тақдирномадир", - деган иборани ўзимга ўзим ҳар кун тақдирлайман. Чунки умримизнинг ҳар бир янги кунини тавба қилиш учун ва ақлда, заковатда, илмда илгариллаш учун катта имконият - вақт бор. Шу имкониятдан фойдалана билган инсонгина ўзига берилган ўша куннинг ҳақини адо этган бўлади. Ва яна фикри ожизимча, аёлни улғулаш, унга ҳаёда бериш учун йилнинг алоҳида бир кунини белгилаб олиш шарт эмас. Унга аёлликка муносиб ҳаёт тарзи раво қўрилса, қадр толгани шу.

Аёлнинг жамиятдаги ўрни ниҳоятда юксак эканини, миллат келажagini белгилашдаги роли алоҳида аҳамиятга эга эканини тан олмаклик учун одам фақат жоҳил бўлиши керак. Бир неча йил давомида изланиш олиб бораётган илмий тадқиқотим давомида амин бўлдимки, туғилажак фарзандларнинг - миллат келажagini белгилайдиган янги авлодининг фикру ўйларидан тортиб жисмоний ва руҳий ҳолатига қадар қандай шаклланиши асосан онага - аёлга, унинг билим ва эътиқод даражасига, ақлий салоҳиятига, хатти-ҳаракатлариға, хулқ-ахлоқиға, ниятлариға боғлиқдир. Демак, жаноб эркалар ўз насллари ҳақида қайғуришни асл оналикка муносиб, оқила, билимли қиз-аёлни ўз никоҳлариға олишдан бошлашлари ва турмушда унинг ҳурматини жойига қўйишлари, эъзозлашлари, ақл даражаси ва билимларини такомиллаштириб боришга шароит яратиб беришлари шарт. Зеро, ҳар томонлама мукамал болалар ҳар томонлама мукамал оналардан туғилади.



Гулчехра РУЗИБАЕВА, қозоғистонлик ёзувчи ва психолог

Ниҳоят, қўқлам кўнглимизни шод этиш арафасида. Шаҳсан мен учун аёллар байрами оила аъзоларини ва яқинларини даврасида бўлиш демак. Бундай пайтларда биз вақтимизни мароқли ўтказадиган жой - фусункор Шимбулоқ бўйида. Шимбулоқ йилнинг тўрт фаслида ҳам гавжум, сўлим табиатли гўша. Сайр давомида яқинларимиз билан бирга бўлиш ва мафтункор табиат қўнинда вақтичоғлик қилиш бахтини туйиш мумкин. Шунингдек, дам олиш кунларида шовқинлардан холи севимли асарларни мутолаа қилишни хуш кўраман. Ҳар бирингиз учун ўзингиз истагандек бахтни талайман, қадрдонларим. Байрамнингиз муборак!



Гулнор САМО, озарбойжонлик шоира, Озарбойжон Миллий билимлар академияси тадқиқотчиси

Мен бир турк қизиман, Озарбойжон эса ватаним! Умр кечираётган масканимда аёлларға ҳамиша юксак мөҳр-муҳаббат билан эҳтиром кўрсатаишди. Она юртимда ҳам 8 март - Халқаро Хотин-қизлар куни сифатида нишонланади. Дунё аёллари ичида Турк хотин-қизларининг алоҳида ўрни бор, десам муболаға бўлмайди. Турк аёллари жафоқаш, зулморк бўлиши билим бирга юраги самимийлик ва муҳаббатга тўла, садоқатнинг чин маънодаги рамзидир. Улар ўзининг ички гўзал олами, маънавияти, ақли, хусни билан ҳар кунининг байрам бўлишиға ҳақлиқдирлар. Бу кун байрам аёлларнинг юрагиға муҳрлашиб қоладиган аҳолий байрам. Бу кунни соғиниб кутамиз, бу кунни юзимизда яқинларимиз туҳфа қилган табасум билан қарши оламиз, бу кунни қанча кунлар, қанча ойлар ҳақон ила завқу шавққа тўлиб эспаймиз! Бизни севадиган, ҳурмат қиладиган, мөҳрини аямайдиган одамлардан ҳамиша миннатдоримиз. Улар учун қўлимиздан келганича меҳнат қиламиз, жонимиз ичра жонимиз дея асраймиз! 8 Март йилда бир марта келадиган, аёлларимизнинг алоҳида кунидир. Аммо, аниқ биламанки, аёлларимиз учун ҳар кун байрам. Чунки, аёл онадир, севимли ёр, қадрли опа, муҳтарам зотдир! У гўзалликнинг мангу тимсоли бўлиб қолади ҳамиша. Ҳатто бу кунда телефонларимизға келган оддийгина табрик хабарлари ҳам биз аёлларни масрур қилади. Бахтни туйишимиз учун озгина эътибор, мөҳр-муҳаббатнинг ўзи етарли. Байрамнингиз билан, азизларим!

САЙР

Мени тун қақирди, уйғониб кетдим, илиқ бир шаббода тутди қўлимдан, хур нурлар мавжиде безовта бир сир, хуррак кичиричалар чиқди йўлимдан. Ой тўлган. Кеңага ҳайрона боқдим, сингидим епларнинг кулранг таъмиға, барглр шитри билан ер томон оқдим, қўшилиб кетдим мен ўтлар намиға. Тинчини буздимми, соқин узайиб ойдинда ярқираб нимадир қулча, уйқурираб мен бағриға босди гулбарғида денгиз мавж урган гулча. Атриға айланиб таралиб кетдим, "мен келдим", "бу менман", "қўзларингиз оқ!" Осмонга бош қўйиб ухларди қимдир, балки у дарахтир, балки сиз оғоғ... Гапдон япроқлардан юксак, нарида, ҳарир кулранг этак силқитарди тўр, "кең бўлинг", "кең бўлинг", тинмай қақираб, ястанган, нур билан тўлган дара, ўр. Майсаларға кўндим, шабнамлар ичдим, кўнгузлар тушиға кирдим эмаллаб, шуълага осилиб аруғмоқ учдим, сўнг қаҳ-қаҳ оқдим тунни эрмақлаб... Этим жимирлади, сесканиб тушдим, уйғондим, "К - е - е - нг бўлинг!..." ким у қақирган?! "Сен мисан?!" - қанзак юлдузлар аро хомуш соч тараган ойға бақирдим. "Сен кимсан?!" - таҳдидли тўзғир ойдинлик, боғларға ин қурган маҳзун шамоллар, "Сен кимсан?!" - тобора узоклайди ун, тун, қадим ойдинлик, тебранар топлар...

Тиш ёради кўнглимда бир дард, далаларда март шомни кезар, юрагимни сенинг соғинчинг, азобларнинг тўлғоғи эзар. Боғчаларни бағримга босиб, далаларни келади ичгим, юлдуз - фонусларини осиб қош қораяр, сезмайди ҳеч ким. Узайдан узайдим йўл, икки кўзим ўйнади чоғиб, бизниқидан бошқа ҳамма уй эшиқларини кўяди ёпиб. Пардалар ҳам мудрайдим, шамол юрагимни шивирлар очиб, сатрлардан сачраган ҳаёл шеърларимни кетар опқочиб. Тонг отади, шомлар кечикар, кун болади, тонглар ичкар... Тонг оқарар, келади ичгим, қош қораяр, сезмайди ҳеч ким...

Кўрқув иси ва бир чөмөдөн конфет ҳақида

(“Урушнинг аёлдан йироқ қиёфаси” қиссасидан)



Светлана АЛЕКСИЕВИЧ (1948), белорус адибаси, Нобель мукофоти соҳибаси

«Халок бўлиш... халок бўлишдан кўркмасдим. Балки ёшлиқ қилгандирмиз, эҳтимол бошқа сабабдан... Атрофимизда ўлим, ўлим доим ёнимизда, мен эса у ҳақда уйламасдим. Биз у тўғрида гаплашмасдик. У доим атрофимизда ёр айлиниб юрарди, бироқ бизни четлаб ўтарди. Бир кун тунда бутун рота бизнинг полк жойлашган ҳудудда разведка қиларди. Тонга яқин у чекинди, бироқ нейтрал ҳудуддан кимнингдир инграган товуши эшитилди. Ярадор қолганди. «Борма, ўлдиришди, – деб қўйиб юборишмади мени жангчилар, – кўряпсанми, тонг отяпти».

Уларга қулоқ солмай, олдинга эмаклар кетдим. Ярадорни топиб, қўлидан белбоғимга боғлаб олиб, саккиз соат судраб олиб келдим. Тирик олиб келдим. Командир билиб қолди, жаҳл устида ўзбошимчилигим учун беш суткага қамашни буюрди. Полк командири ўринбосари эса бошқача фикр билдирди: «Мукофотга лойиқ».

Ўн тўққиз ёшимда «Жасорат учун» медали кўксимни безаб турарди. Ўн тўққиз ёшимда сочларимга оқ инди. Ўн тўққиз ёшимда сўнги жангда иккала ўпкамдан ўқ едим, иккинчи ўқ иккита умуртқа сугим орасидан ўтганди. Оёқларим шол бўлиб қолди... Мени ўлди деб ўйлашган...

Ўн тўққиз ёшимда-я. Ҳозир неварам шу ёшда. Унга қараб, кўзларимга ишонмайман. Ҳали гўдак!

Фронтдан уйга қайтганимда, опам менга қора хатни кўрсатди... Мени дафн этиб бўлишганди...»

Надежда Васильевна Анисимова, пулемёт ротаси санинструктори

«Онамни эслолмайман... Хотирамда фақат қандайдир шарпа қолган... Гира-шира қиёфа... Юзими, гавдасими, билмайман, менга эгилиб турган қиёфасини элас-элас эслайман. Жуда яқин. Ёки кейин шундай туюлармиди. Онам ўлганида уч ёшда эдим. Отам Узоқ Шарқда хизмат қиларди, у қадрлар ҳарбийси эди. Менга отада ўқишни ўргатган эди. Бу болаликнинг энг зўр таассури бўлган. Отам оқбилан киз бўлиб ўсишимни истамаган. Ленинградда, у ерда ўзимни беш ёшдан эслайман, холам билан яшардим. Холам рус-япон урушида муруват ҳамшираси бўлган. Уни онамдай яхши кўрардим...»

Болалигимда қандай эдим? Бахс бойлаб, мактабнинг иккинчи қаватидан сакрадим. Футболни севардим, ўғил болалар билан ўйнаб, доим дарвозабон бўлганман. Фин уруши бошланганда, доим Фин урушига қочиб кетардим. Қирқ биринчи йилда эса еттинчи синфни тугатиб, техникумга ҳужжат топширига улгурган эдим. Холам: «Уруш» деб йиғласа, мен фронтга кетиб, жанг қилишимдан севинардим. Қон нималигини қаердан ҳам билардим? Халқ ҳаракатининг биринчи гвардия дивизиеси тузилди, ва биз, бир неча қизларни медресага қабул қилишди.

Холамга телефон қилиб: «Фронтга кетяман!» – дедим. Сим алоқанинг у томонидан менга шундай жавоб беришди: «Тезда уйга қайт! Овқатинг совиб қолди.

Гўшақни кўйдим. Кейин эса унга раҳимим келиб кетди, юрагим эзилди. Шаҳар қамали, даҳшатли Ленинград қамали бошланди. Шаҳарнинг ярми қирилиб кетди. Холам бир ўзи қолди. Қариб қолганди. Эсимда, менга таътил беришганда, холамини кўришга бордим. Олдин дўконга кирдим. Урушга конфет деса жонимни берардим. Магазинга кириб:

– Менга конфет беринг, – дедим.

Сотувчи менга жиннига қарагандай қарарди. Мен картонча нима, қамал нималигини билмасдим. Навбатда турган одамларнинг ҳаммаси менга ўгирилиб қарашди, елкамда – ўзимдан ҳам катта винтовка. Уни бизга беришганда, қачон бу винтовкага етиб оламиз деб ўйлаган эдим. Навбатдагиларнинг ҳаммаси сотувчидан:



– Унга конфет беринг. Бизнинг талонимизни қирқиб олинг, – деб ялинишди.

Сотувчи менга конфет берди. Кўчаларда фронтга ёрдам учун нарсалар йиғишарди. Катта майдоннинг ўртасида стол устида катта патнислар турарди, одамлар келиб, кимдир узугини, кимдир сирғасини ечиб ташлаб кетарди. Соат, пул олиб келишарди... Ҳеч ким ҳеч нимани ёзиб олмасди, ҳеч ким ҳеч ерга қўл қўймади. Аёллар қўлидаги никоҳ узугини ечиб беришарди...

Бу хотирамда қолган манзаралар... Сталиннинг икки юз йигирма еттинчи рақамли машур буйруғи бор эди – «Бир қадам ҳам орқага чекинман!» Орқага чекинсанг – отишга ҳукм қилинасан! Жойида отиб ташлашди. Ёки трибуналга ва махсус тузилган жарима батальонига жўнатишарди. У ерга тушганларни маҳкумлар дейишарди. Қамалдан чиққан ва асирликдан қочиб кутулганларни филтрацион лагерларга жўнатишарди. Изимиздан тўсучи отрядлар юришарди... Ўзимизникилар ўзимизникиларни отишарди...

Бу хотирамда қолган манзаралар... Одатий майдон... Ҳамма ёқ сув, ёмғирдан кейинги лой. Ёшгина аскар тиззасига чўккалаган. Кўзойнақ таққан, кўзойнаги тинмай тушиб кетарди, у эса уни қайта тақиб олади. Ёмғирдан сўнг... Зийли ленинградлик йигит. Уч линияли милликни олиб қўйишганди. Ҳаммамизни сафга тортишди. Атроф кўлмакча тўла... Биз... Отмасликларини сўрайди. Ялиниб ёлворади. Уйда ёлғиз онаси қолганини айтиб қасам ичарди. Йиғлай бошлайди. Шу он қоқ пешонасидан ўқ ейти. Милтиқдан. Сабоқ бўлсин деб отишди, кимдир заррача шўхаланса, уни ҳам шу қисмат кутади. Ҳатто бир дақиқага ҳам! Бир дақиқа...

Бу буйруқ мени дарҳол катталар сафига қўшиб қўйди. Бу ҳақда гапириш мумкин эмасди... Узоқ вақтга эсламадик... Ҳа, биз ғалаба қозондик, бироқ қандай қурбонлик эвазига! Қандай даҳшатли қурбонлик! Ярадорлар кўпчилигидан кечаю кундуз ухламасдик. Бир сафар уч кечаю кундуз ҳеч ким ухламади. Мени ярадорлар тўла машинада госпиталга жўнатишди. Ярадорларни топширдик, қайтишда машина бўш эди, шунга кўзим илиниб, ухлаб қолганман. Қайтганимда ўзимни анча тетик ҳис қилдим, бизникилар эса ҳам-

маси чарқоқдан йиқилай даяпти. Комиссарни кўриб қолдим:

- Ўртоқ комиссар, виждоним қийналяпти.
- Нима бўлди?
- Мен ухлаб қолдим.
- Қаерда?

Ярадорларни машинада госпиталга ташлаб, қайтишда бўш келганимизни ва ухлаб қолганимизни айтиб бердим.

«Иккинчи боламга ҳомиладор эдим... Ўғлим – икки ёшда, мен эса яна ҳомиладорман. Бу орада уруш бошланди. Эрим фронтга кетди. Мен ота-онам олдига бориб, ўша нарсани қилишга журъат қилдим. Ўзингиз тушунасиз-ку? Аборт... У пайтларда бунга рухсат йўқ эди... Қандай тугаман? Ҳамма ёқда кўзёш... Уруш! Ўлим орасида қандай тугади киши? Шифровкачи курсини тамомладим, фронтга жўнатишди. Болажоним, тугишга журъат қилолмаган болам... қизалоғим учун қасос олмоқчи эдим... Қиз туғишим эди... Фронтга боришни сўрадим. Штабда қолдиришди...»

Любовь Аркадьевна Чарная, кичик лейтенант, шифровкачи

«Минскдан яраланганларни олиб чиқаётган эдим... Баланд пошна кийиб олганман, чунки бўйим пастлигидан ниҳоятда хижолат бўлардим. Битта пошна синиб қолди. Шу пайт «Десант!» деб чақириб қолишди. Ялангоёқ чопиб кетдим, кўлимда эса туфлим, ташлаб юборишга кўзим қиймади, туфлим жуда чиройли эди.

Бизни ўраб олганларида, қуршовдан чиқиб кета олишимизга кўзимиз етмагач, санитарка Даша билан ариқдан чиқдик, бекинмай қўйдик: асирга олиб, ҳақорат қилганидан кўра снаряд билан бошимизни учуриб юборсин деб, бошимизни баланд кўтариб олдик. Яраланганлар ҳам имкони борича кўтарилишди...

Биринчи фашистлар аскарини кўрганымда, тилим айланмай қолди, тилсиз қолдим. Улар эса ёш, навақирон йигитлар, хушчақчақ, табасум билан боришарди. Қаерда тўхтамасин, қаерда қудуқ ёки сув жўрагини кўриб қолишса, ювинишга киришиб кетишарди. Енглари доим шимарилган. Тинмай ювинишарди... Атроф қонга беланган, бақир-чақир, улар эса бамайлихотир ювинишарди... Қалбимда шундай ғазаб уйғонди... Уйга келиб, икки марта қўйлагимни алмаштирдим. Аъзойи баданим уларнинг бу ерда юрганларига қаршилиқ қиларди. Кечалари кўзимга уйқу келмасди. Нахотки?! Қўшнимиз Клава хола эса уларнинг бизнинг ерларимизда, унинг уйда... юрганини кўриб, шол бўлиб қолди. Бунни кўтаролмай, тез орада вафот этди...»

Мария Васильевна Жлоба, яширин гуруҳ аъзоси

– «Ёз бошланди... Мен тиббиёт билим юртини тамомладим. Диплом олдим. Уруш! Дарров военкоматга қақириб, буйруқ беришди: «Икки соат вақт берамиз. Нарсаларингизни йиғиштиринг. Фронтга кетасизлар». Мен ҳаммасини кичкина жомадонга жойлаштириб олдим.

– Урушга ўзингиз билан нима олдингиз? – Конфетлар. – Нима? – Бир жомадон конфет. Билим юртдан кейин йўлланма билан борган қишлоғимда рағбат пули беришганди. Пулим бор, мана шу пулларнинг ҳаммасига бир жомадон школадли конфетлар сотиб олдим. Урушда менга пул керак бўлмаслигини яхши билардим. Жомадоннинг устига эса бутун курс билан тушган суратимизни жойлаштирдим. Военкоматга келдим. Военком сўради: «Сизни қаерга жўнатай?» Мен эса ундан сўрадим: «Дугонамни қаерга жўнатдингиз?» У билан бирга Ленинград вилоятига келгандик, у ўн беш километр наридаги қўшни қишлоқда ишларди. Военком менга қараб қулди: «У ҳам шуни сўради». Бизни

Альбина Александровна Гантимурова, катта сержант, разведкачи

Ольга СЛАВНИКОВА:

“ИЛҲОМ ПАРИСИ БУ – ХОМХАЁЛ”



Россиялик таниқли адиба Ольга Славникова 1957 йилда тавалуд топан. Адиба ўзининг “Итга эврилган вивачи”, “Кўзгудаги ёлғизлик”, “Ўлмайдиған одам”, “Қовоқбош”, “Еттинчи вагондаги муҳаббат” каби асарлари орқали кўплаб китобхонлар меҳрини қозонган. Асарлари инглиз, италия, француз ва олмон тилларига ўтирилган. Романлари “Павел Бажов” ва Мунаққидлар Академиясининг Аполлон Григорьев номдаги мукофотига лойиқ қўрилган. “2017” номли романи 2006 йилда энг нуфузли адабий мукофотлардан бири “Букер” совринига муносиб топилган. Ольга Славникова Россияда 25 ёшгача бўлган ижодкорларга тақдим этиладиган “Дебют” мукофоти ҳайъати раисидир.

Қуйда Ольга Славникова адабий танқид, таржима санъати ва рус ёзувчиларининг бугунги ёш авлоди ҳақида профессор Гекё Мариний билан бўлган суҳбати ўқувчиларга тақдим этилди.

Гекё Мариний: Замондошларингиз ва кўплаб адабий мунаққидлар томонидан бугунги кунда жаҳонда энг машур ёзувчилардан бири дея этироф этилгансиз. Бу таърифта сизнинг муносабатингиз қандай?

Ольга Славникова: Сирасини айтганда, жаҳон ижодкорлари орасида энг яхшиси бўлиш ҳисси ҳали менга бегона. Менимча, шох асарларим ҳали қозғога кўчмаган асарларимдир. Келгусидаги лойиҳалар ҳақида го-лар билсёр. Ҳозирнинг ўзида бўлгуси ёзилажак саккизта янги роман го-яси онгимда пишиб турибди. Худдики ишга киришганим биланқоқ тугилажак асаримни ёзиб тугатадигандайман.

Г.М: Ҳозирда ижодингиз тўлалигича бошқа тилларга таржима қилинмоқда. Шундан келиб чиқиб, фаолиятингизда таржималарнинг таъсирини қандай баҳолайсиз?

О.С: Муаллиф ҳар томонлама таржимонга мутедир, бирор асарнинг шуҳрат қозониши таржимоннинг энг юксак ютуғи ҳисобланади. Ҳар қандай асарни ҳам ўзга тилга ўгириш мумкин, бироқ аслида ўртамеъна асар маҳирона ёндашув сабаб ўз даражасидан юкори китобга айланishi мумкин. Шу жиҳатдан, таржимон ҳаммуаллифдек гап, боиси ҳар бир тил ўз хотиралари, характери ва тарихига эга, юраги уриб турган хилқатдир. Фақат-

гина таржимон икки тилни таққослаб, уларнинг ўхшашликларини англай олади. Агар ижодкорнинг таржимони моҳир бўлса, ундан доим миннатдор бўлиши керак, деб ҳисоблайман.

Г.М: Юртингиздаги умидли ижодкорларга маслаҳатлар бериб, уларнинг ишлари чоп этилишига беминнат ёрдам кўрсатиб келмоқдасиз. Бу ҳаракатингизни энди ижод оламига кириб келганингизда сизга кўрсатилган тавсияларни оқлаш ўрнида қабул этасиз бўладими?

О.С: Ростини айтганда, “ёшлар”гагина маслаҳат бериш билан чекланиб қолмайман. Шундай пайтлар бўладикки, бошқа бир кишига менинг го-ям

ёқиб тушса, худди ҳаммуаллифлардек шу го-я устида баҳслашиб, уни янада такомиллаштирамиз. Қаҳрамонлар, сюжет чизиги, қутилмаган бурилишлар, роман учун зарур бўлган маълумотларни қаердан олиш ва ҳоказолар ҳақида бош қотирамиз. Айни кунларда Калининградлик бир шоғирдин мен берган тавсиялар асосида ёзаётган романини ниҳоялаш арафасида. Ўйлайманки, унинг асари ҳам бир ҳодисага айланади.

Г.М: Одатда баъзи романнависларнинг ижодий сирини мавжуд. Тахминан, берилажак саволимга “агар бунини ошкор қилсам, қизим қолмайди” қабилда жавоб беришингиз эҳтимолга яқин. Бирок...

О.С: Мен билган сир шуки, ҳеч қайси ижодкорга го-йибдан илҳом келмайди. Илҳом парилари ҳақида бир қанча асотирлар бўлишига қарамай, ҳақиқий ижодга киришиш жараёни ўзгачадир. Менинг ижодий иқтидорим менежернинг одатий иш кунини бошлашига ўхшайди. Энг асосий сир - шу.

Г.М: Баъзи таржимонлар текинга ишлашдан бош тортишарди, баъзилари бор-йўғи қалам ҳақи учун тер тўкади, жуда камчилигининг меҳнатига арзирлик ҳақ олишда омади келган, холос. Таржимоннинг қай йўсинда

тақдирланиши кераклиги ҳақида сизнинг фикрингиз қандай?

О.С: Таржимон танлаш имконига эга бўлиши лозим. Башарти асар сотувга чиқарилмас экан, у муаллифдан ҳақ олиши жоиз. Китоб сотувга чиқарилса, меҳнатига яраша мўмайгина пул билан рағбантантирилиши тўғри бўлади. Таржимоннинг арзиманган го-норар олиши, китоб сотувга чиққач эса унинг қатордан четда қолиши адолатсизлик бўлади. У муаллифдан кўра пастрок даражада кўрилмаслиги керак.

Г.М: Россиядаги бошқа ҳамкасбларингиз билан алоқаларингиз ҳақида гапирсангиз. Улар билан кўплаб лойиҳаларда бирлашасизми ёки ҳеч курс бирортаси билан яхши муносабатдамисиз?

О.С: Чинини айтадиган бўлсам, унақа ижодкорлар йўқ ҳисоб, шу тўғри файли баъзида жуда ёлғиз хис қиламан. Бошқа ёзувчилар билан унчалик яқин бўлганим сабаб, ўқувчиларим бу орқали нимага эришмоқчилигимни ҳар доим ҳам тушунавермаслигидан хавотирдаман. Бошқа томондан, асарларимнинг кенг тарқалиши китобхонлар мени бу масалада нақадар тушунишдан далолат беради.

Г.М: Ким сизга бугунги даражадаги ёзувчи сифатида шаклланганингиз учун энг асосий туртки берган деб биласиз?

О.С: Бу ишнинг менинг мактабдаги адабий ўқитувчим бўлган. Унинг исми Аида Борисовна бўлиб, жуда чиройли кутубхонаси мавжуд эди. Ўша пайтлар, собиқ Совет Иттифоқи даврида китоблар ҳазинадаги гап эди. То ҳануз ўша устозимни адабиётга ошно бўлишимда хизмати синган инсон сифатида қадрлайман.

Г.М: Сунгги саволим ҳозирга қадар эришган ютуқларингиз билан боғлиқ. Сиз учун адабий мукофотларнинг муҳимлиги даражаси қандай?

О.С: Эътироф мен учун энг катта ютуқ. Адабий мукофотлар ёзувчиларга ўз асарларига эркин ёндашиш ҳиссини тақдим этади. Ёзарман ўз асарини ўзи баҳолай олмайди. Буюк рус шоири Борис Пастернак таъкидлайди: “Сен шахсий галабанг ҳақида мақтанмаслигинг керак”. Шундай экан, адабий эътироф адибининг ижодда давом этиши ва узокроқ масофани босиб ўтиши учун куч бағишлайди. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, менинг асарларим ҳақида фикр билдирувчи журналистлардан ҳалимроқ бўлишларини сўраган бўлардим.

Инглиз тилидан Шохрух УСМОНОВ таржимаси

БИЗНИНГ ОРАМИЗДА МИНГ ЙИЛЛИК ЙЎЛ БОР



Бизнинг орамызда минг йиллик йўл бор. Узимга яқинсан мандан, Худойим. Ҳам дарду азоби дунё бердинг сан, Рухим гўзал қилдинг тандан, Худойим!

Ғам яқин дўстимдир, азоб — севгим, Сўз-ла тўғраман, оҳ, тилим-тилим, Ердан оёқларим узилиб, қўлим Осилгум самога сандан, Худойим!

Йўлимни кўқлардан ерга дўндирдим, Ҳар айтган сўзингни дурга дўндирдим, Мен сени милёндан йўллар бор экан, Сен мени айирдинг мингдан, Худойим!

Бироз кеч англадим, бироз эртадан, Ҳаттоки сабримдан юрагим улкан, Сенга то кўксимдан йўллар бор экан, Кўприк нега лозим диндан, Худойим?!

ИЛОҲИЙ СЕВГИ

Мен сўлган чечакларнинг, Ғамгин капалакларнинг, Ҳалим-чун йиғладим, Онажоним, сен эса менинг кўзёшларим деб...

Мен қақраган кўлларнинг, Ярим қолган дилларнинг, Ҳалим-чун йиғладим, Онажоним, сен эса менинг кўзёшларим деб...

Азоб туққан онларнинг, Кимсасиз оқшомларнинг, Ҳалим-чун йиғладим, Онажоним, сен эса менинг кўзёшларим деб...

Мен сувсиз саҳроларнинг, Эриётган қорларнинг, Ҳалим-чун йиғладим, Онажоним, сен эса менинг кўзёшларим деб...

Йиғладим... Онажон, йиғладим...

Ёмғирнинг кўз ёши-ла, Ғам ели бебоши-ла, Чамқоқ ғазаб тоши-ла, Йиғладим... Юрагим ҳайқирғи билан!

Сен эса, фақат сен, кўзёшларим дея йиғладинг, Онам!

МЕН ЙИҒЛАЙМАН, БУЛУТ ЙИҒЛАР

Миллатим Турк, тарих гули, Ҳақ йўлидир Туркнинг йўли, Ғурбатда қолган Мосулу, Мен йиғлайман, булут йиғлар...

Ҳар тошигда ўтмиш изи, Айрилиқ чарчатди бизни, Боқудан то, хув Табризи, Мен йиғлайман, булут йиғлар...

Ҳеч битмади тупроқ захрим, Ёниб, кулга дўнди бағрим, Йўлим кутар Қорабоғим, Мен йиғлайман, булут йиғлар...

Юрагимда Турон куйи, Ҳасратига куйисин уйим, Ҳаллақча Каркуйи, Мен йиғлайман, булут йиғлар...

Туркнинг юрти Боқчасарой, Байроғимда юлдузли ой, Турон дея чекдим оҳ-вой, Мен йиғлайман, булут йиғлар...

Ҳеч сўрама Ҳон Аразни, Азобимда қора ёзув, Оҳим ёндиражак созни, Мен йиғлайман, булут йиғлар...

Эй, гардуни-дун сен кет деб, Биздан олдинг кўп йиғит деб, Тупроқдаги ҳар шаҳид деб, Мен йиғлайман, булут йиғлар...

БОЛА НИГОҲИДАГИ АЗОБ

Ҳар нарса янғидир, Нигоҳинда ғам, Яшаш ташвишларинг қилади талқин, Дунёнинг турфа хил ранглири билан. Термулган заҳотинг, Изирибинг оташларида, киприк қоқмай қарарсан кўкка. Сўнгра бор севинчинг, Ҳайратинг ҳам оташлар мисол, Бир зумда ер билан бир бўлар, тамом. Ғунчалар кулгусин йўқотар шунда, Дарахлар йиғлашни бошлайди бирдан,

Расмия Собир (Ашрапова Расмия Собир кизи) 1973 йили Озарбойжонда тугилган. Ҳозирда Озарбойжон Миллий фанлар академиясининг Иқтисодиёт университетида илмий ходим, Озарбойжон Коорпарация университетининг “Иқтисодий назария” кафедрасида ўқитувчи сифатида фаолият юритади. Расмия Собир Озарбойжон Ёзувчилар бирлиги аъзоси. “Қамалган сукунат”, “Рангсиз кўз ёшлар”, “Унутдинг мени”, “Соҳилсиз одам” номли шеърый китоблар муаллифи.

Дунё Ёш Турк Ёзувчилар уюшмасининг асосчиларидан ва фахрий аъзоси ҳисобланади. 2018 йилда “Мулла Поноҳ Вокиф” медал билан тақдирланган.



Расмия СОБИР, Озарбойжон

Кўзёшлари хазон каби тўкилажақдир...

Шамоллар дунёни тўлдириб Эсажақдирлар...

Сен-чи... Сониялар ичра голибдай Ўзингни излашга тушдингми, болам? Бу аввалнинг поёни демек...

Озар тилидан Раҳмат БОБОЖОН ўғирди

Амина САИД: “ШЕЪРИЯТ — БУ ЎЗИМНИ ЎЗИМ ҲИС ҚИЛАДИГАН ЖОЙ”

Кибекдаги Трои-Риверс шаҳри дунёда шеърнинг қадам излари қоладиган ягона шаҳар. Қайсидир номаълум шоирнинг бир йиллик ижодига шон-шараф ҳайкалини ўрнатадиган шаҳар. Ҳар қузда бу “пойтахти шеърят” бутун дунё шоирлари учрашадиган жой.

Халқаро шеърят фестивали! Бу ерда Амина Саид билан учрашдим. Биз у ерга бориш учун битта рейсда сафарга чиққандик ва мен учун қизиқ ҳамда муҳим бўлганларнинг баирини ўша 5 октябрдаёқ билиш-ни истардим...

— Амина Саид, ўзингизни, ўзингизнинг келиб чиқишингизни қисқача қилиб бизга айтиб ўта оласизми?

— Мен Тунисда мустақилликдан олдинроқ туғилганман. Кўпчилик наздида мен доим Парижда яшаб юрсам-да, лекин тез-тез ватанимга бориб тураман. Менинг бутун оилам у ерда. У ердаги ғайриоддий куч мени доим қувватлаб туради. Шунинг учун толиқсам Тунисга боришни афзал кўраман. Шу кунгача Тунис эртакларининг икки тўпламини ва яна ўн шеърый тўпламининг нашр қилдирдим.

Сўнги ўн йил ичида мен филлипинлик инглиз забон ёзувчи Франсиско Сионил Хосенинг бир неча тарихий романларини таржима қилдим. Мен ҳам ҳозир худди сиздек Парижда журналистман.

— Тунисда туғилган ва Францияда яшаган одам сифатида Африка билан қандай алоқангиз бор?

— Мен Ўрта Ер денгизи, балки Африканинг шимолида туғилган ва жамики Африканинг ўзимга тегишли эканини ҳис қиладиган бир неча мамлакатига саёҳат қилганман.

Мен отам томондан араб, онам томондан эса европаликман, гарчи у Тунисда яшаётганим, гарчи у Тунисда яшаётганим, гарчи у Тунисда яшаётганим. Мен Африканинг араб-мусылмон худудига мансубман.

— Биламизки, сиз ҳуюялар ҳам ёзасиз. Сизнинг ҳуюянгиз ва шеърятингиз ўртасида боғлиқлик борми?

— Араб маданиятида асосий жанр бу, аввало, шеърят, кейин эса ҳуюя саналади. Қизиги шундаки, мен ёзган нарсалар: шеърлар ҳам, ҳуюялар ҳам ватан соғинчи билан ёзилган. Туниснинг асарларимдаги мўъжаз эртакларини буйимдан эшитганман. Бувим бу эртакларни инсталган кишига жон деб айтиб беради.

— Қандай қилиб шеърятга кириб қолдингиз?

— Ўтмишни хотирлайдиган бўлсам, ўн бир ёшда шеър машқ қила бошлаганман. Коллеж шеърый ҳаётимдаги илк мактаб.

У ерда шеърятни сеvuчи, ўзи ҳам шеър ёзиб турадиган устозим бўларди. У биздан коллеж деворий газетаси учун шеър ёзишимизни сўраган. Денгиз ҳақида нимадирлар қоралаганимда, у деворий газетасига осилгани эсимда. Шундан кейин ҳам ёзишда давом этардим-у, лекин ҳеч кимга кўрсатмасдим. Мен дафтларларни шеърлар бити-ти ўта оласизми?

— Мен Тунисда мустақилликдан олдинроқ туғилганман. Кўпчилик наздида мен доим Парижда яшаб юрсам-да, лекин тез-тез ватанимга бориб тураман. Менинг бутун оилам у ерда. У ердаги ғайриоддий куч мени доим қувватлаб туради. Шунинг учун толиқсам Тунисга боришни афзал кўраман. Шу кунгача Тунис эртакларининг икки тўпламини ва яна ўн шеърый тўпламининг нашр қилдирдим.

Сўнги ўн йил ичида мен филлипинлик инглиз забон ёзувчи Франсиско Сионил Хосенинг бир неча тарихий романларини таржима қилдим. Мен ҳам ҳозир худди сиздек Парижда журналистман.

— Тунисда туғилган ва Францияда яшаган одам сифатида Африка билан қандай алоқангиз бор?

— Мен Ўрта Ер денгизи, балки Африканинг шимолида туғилган ва жамики Африканинг ўзимга тегишли эканини ҳис қиладиган бир неча мамлакатига саёҳат қилганман.

Мен отам томондан араб, онам томондан эса европаликман, гарчи у Тунисда яшаётганим, гарчи у Тунисда яшаётганим, гарчи у Тунисда яшаётганим. Мен Африканинг араб-мусылмон худудига мансубман.

— Биламизки, сиз ҳуюялар ҳам ёзасиз. Сизнинг ҳуюянгиз ва шеърятингиз ўртасида боғлиқлик борми?

— Араб маданиятида асосий жанр бу, аввало, шеърят, кейин эса ҳуюя саналади. Қизиги шундаки, мен ёзган нарсалар: шеърлар ҳам, ҳуюялар ҳам ватан соғинчи билан ёзилган. Туниснинг асарларимдаги мўъжаз эртакларини буйимдан эшитганман. Бувим бу эртакларни инсталган кишига жон деб айтиб беради.

— Қандай қилиб шеърятга кириб қолдингиз?

— Ўтмишни хотирлайдиган бўлсам, ўн бир ёшда шеър машқ қила бошлаганман. Коллеж шеърый ҳаётимдаги илк мактаб.

— Сиз айтётган баъзи шеърларнинг сарлавҳаси “уфқ ҳар доим чет эллиқдир” билан бошланади. Нега?

— Бу асосан 2003 йилда Парижда СД шаклида йиғилган, тўпламлардан саралаб олинган тўпламда учрайди. Бу ҳақиқат. Мен бу ҳақида кўп ёзим. Тунислик бўлиш, Парижда яшаш ва кўп саёҳат қилиш, қайга борсам ҳам менга уфқ бегонадек туйилади. Парижда бўлсам уфқ Тунисникидек, Тунисга борсам гўё қуёш Париж осмонида бо-таётгандек. Тунисга бегонадек. Мен ўз жойим бўлиши мумкин бўлган нарсани узоқ вақтлардан бери излаяпман.

— Шеър — қандай бир макон ёки жойим?

— Жойнинг ушбу шаклдаги синоними шоирлар учун жуда кўп ишлар қилди. Баъзилар утопик жой кидиришди, рамзий, фақатгина уларнинг тасавурида мавжуд бўла оладиган ўзгача бир жой. Бу жойини улар бошқалар учун кидиришди. Фақатгина тил, сўз орқали — шеър орқали мавжуд бўладиган маконни излашди.

Мен учун шеърят қандайдир бир макон, қандайдир бир ўзгача гўша. Шеърят — бу ўзимни ўзим ҳис қиладиган жой. Шунинг учун мен айта оламанки, ҳар биримизнинг ўз жойимиз бор. Қандай бўлмасин ҳар бир шоир макон ва жой(лар) яратувчиси.

— Сиз Трои-Риверсдаги фестивалда иккинчи марта иштирок этяписиз. Ундан сизда қандай таассуротлар қолди?

— Аввало, дўстлик ва ҳамкорлик олиб келувчи дийдорлашувни айтиб ўтишим жоиз бўлади. Яна шеър тинглаш учун келган одамлар билан бирга бўлиш лаҳзалари.

— Сизнинг ёзиқларингиз бизни бошқа жойга, бизни орзу қилиш даражасига олиб боради!

— Ҳа. Менимча, шоирлик нафақат ташқи, балки борлиқ ҳақида тасаввурга эга ички дунёси мавжуд бўлган одам демекдир. Мен ёзган шеърлар мана шу иккаласи, ички ва ташқи дунё ҳақида. Икки дунё доимо алоқада бўлиб бири-иккинчисини билан доим кесишиб, доим туташиб туради.

Трои-Риверс, 2004 йил, 5 октябр. Танелла БОНИ сўхбатлади. Француз тилидан Муҳиддин НИДО таржимаси



ХУНУК АЁЛЛАР БЎЛМАЙДИ, ДАНГАСА АЁЛЛАР БЎЛАДИ

Модаламинанинг маликаси — Коко Шанель ҳақида эшитмаган, бугун уни ўз идеалига айлантирмаган аёлнинг ўзи бўлмас керак. Коко ҳар қандай кийинчиликни ўз манфаатига айлантириши қобилиятига эга бўлган. Айнан шу хиллати билан ҳаёт йўлидаги машаққатларни енгиб келган. Габриэль Бонёр Шанель ўн саккиз йил давомида кийим сотувчиси бўлиб ишлаган, дам олиш кунлари эса қўшиқ куйлаган. Энг ёқтирган қўшиғи номини кейинчалик ўзига тахаллус қилиб олган.

Фаолиятини кийим дўконидан сотувчиликдан бошлаган модельер кўп ўтмай, шляпалар дўкони очади. У оддий шляпа сотмас, балки ҳар бири тақдорли асар эди. Тиниб-тинчимасан Коко бир йилда яхши натижага эришиб, ўз дўконини очишга муваффақ бўлади.

Унинг биринчи кашфиёти бугунги кунда аёллар ёлгага осиб юрадиган сумкача бўлди. Ўтган аср бошларида аёллар либосларида чўнтак бўлмагани сабабли улар қўлларида халтачага ўхшаган сумка кўтариб юришган. “Уларни тўтиб юришдан чарчадим. Бунинг устига, қачон қарама, йўқотиб юраман”, дея Коко ҳам қўлай, ҳам аёлга зоб берадиган сумкачани ўйлаб топди.

Ҳар бир аёлнинг бошига келадиган синов Кокони ҳам четлаб ўтмади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Коко фашистлар айдоқчиси дея айбланиб, ҳибсага олинди. Бироз фурсатдан сўнг Францияни тарқ этиш шартин билан озод қилинди. Қийинчиликлар ва кексаллик олдида бўйин эгишни истамаган хоним 1954 йили, 71 ёшида ўзи ишлаб чиққан кийимларини модаламина тақдим қилади. Фақат бу намоийишлар у кутган натижага олиб келмайди. Омадсизликларга қарамай, Коко ўз моделларини мукамаллаштиришдан тўхтамайди, тушунлиққа тушмайди. Ва уч мавсумдан сўнггина ўзи кутган муваффақиятга эришади.

Биз бугун Коко Шанель томонидан айтилган ва афоризм даражасига чиққан аёл тақдирини, модаламина гўзаллик ҳақида фикрларидан айрим мисоллар келтирамиз:

- Ҳашамат — қашшоқликнинг зидди, деб ҳисоблашади. Йўқ, ҳашаматнинг зидди беадаблиқдир.
- 20 ёш бу табиат инъом этган кўриниш, 30 ёш эса ҳаёт тақдим этган кўриниш, 50 ёш эса сен яшаб ўтган умрнинг ҳосиласи.
- Хунук аёллар бўлмайди, дангаса аёллар бўлади.
- Гўзал бўлиш учун ҳамма ишни қалбни тазолашдан бошлаш зарур, агар шундай бўлмасе, ҳеч қандай косметик воситалар ёрдам бермайди.
- Барчаси ўзи қўлимизда, шу боис уларни қўйиб юбормаслигимиз зарур.
- Кишининг кексалиги уни муҳаббатдан ҳимоя қилолмайди, бироқ муҳаббат кексалиқдан ҳимоя қилади.
- Ҳамма аёллар ҳам гўзал бўлиб туғилмайди, лекин аёл 30 ёшигача ҳам гўзал бўлолмасе — у шунчаки аҳмоқ.
- Бизга гўзаллик эртаклар бизни севишлари учун, аҳмоқлик эсе биз эртакларни севишимиз учун керак.
- Атир — бу кўринамас, лекин унутилмас, энг мукамал аксессуар. У аёлнинг келгани ҳақида хабар беради ва у кетганидан сўнг ҳам аёл ҳақида эслатиб туради.

Зулҳумор ОРИФЖОНОВА тайёрлади



Анна ЗЕГЕРС (1900-1983), немис адабаси

Антон Шулц гитлерчилар армиясида унинг биринчи кундан охиригача асарлик қилди; урушнинг охиригача у асир ҳам тушди, лекин орадан анчагина йиллар ўтгач, уйига эсон-омон қайтиб келди. Келса, хотини, учала ёш ўғилчининг ҳам тан-жонлари омон экан, оталик қалби қувонди.



МИНА Новелла

Хотини — фаҳми, вазмин ва меҳнатсевар бу аёл, машаққатли вақтлар бўлса ҳамки, болаларини омон сақлабди, уйни эҳтиёт қилибди. Мана энди хотини унга тўртинчи бола туғиб берди. Эри урушдан илгаридега ўхшаб ҳизматкорликка ёлланди. Қиш-лоқдагилар уни хурмат қилишарди; у эсли-хушлигина киши сифатида танилган эди. “Энди бу барча борди-келиди машаққатлардан кейин маълум бўладики, унинг айтганлари тўғри экан”, деб ўйларди хотини. Эри, хотини уни танигандан бери — Веймар республикаси даврида ҳам, Гитлер ҳужм сурган вақтда ҳам, мана ҳозир, Демократик республика

Роифа ШЕРХОН кизи, Озарбойжон ЮРАГИНГИЗГА ЯҚИН ЙЎЛИМ БОР



Юрагимдан юрагингизга яқин бир йўл бор. Бу кичик ҳақиқатни ҳаммиша ич-ичимдан сезиб тураман. Иқтисодчи бўлганим сабаб, чиройли жумлалар туза олишим даргулом. Шеър кўнглининг бир бўлаги холос. Мен сизга бирма-бир юрак парчаларини юлиб бердим... Дил сўзларим сизни қойил қолдирдиган даражада зўр деёлмайман. Азимиз, мен сизни шунчаки табриклиман, меҳр ва муҳаббат тўла қўчогимга босаман! Рухи ва кўнгли эркин аёллар! Фикрлар, ўйлар, қарашлари, ҳам ички, ҳам ташқи дунёси гўзалларим, сиз борсизки, ҳар ошимиз байрам, ҳар сониямиз шодликқа, бахтга тўла. Қаторингизда туриб айта оламанки, ҳаммамиз чин ҳурмат ва эҳтиромга пойқимиз! Массофаларимиз қанчалик йироқ бўлмасин, кўнглиларимиз шунча яқин. Байрамнинг муборак, гўзал ўзбек аёллари!

Трои-Риверс, 2004 йил, 5 октябр. Танелла БОНИ сўхбатлади. Француз тилидан Муҳиддин НИДО таржимаси



Мазкур мукофотни нафақат шу кунгача эълон қилинган китобларим эътирофи, балки келгусида ёзилажак асарлар учун бўнақ, деб биламан. Умид қиламанки, келажакда битилувчи барча қораламаларимга бугунги кун хотираси рағбат бўлиб хизмат қилади.

Пёрл БАК (1892-1973),
АҚШ адібаси, Нобель мукофоти совриндори
ОЗОДЛИК БОШҚА БОЙЛИКЛАРДАН УСТУНДИР
(Нобель маърузаси)

Менинг шаънимга айтилган барча илиқ сўзлар ва топширилган мукофот учун миннатдорлик туйғуларимни ифодалашга муносиб сўз тополмаяпман. Мен мукофотни меҳнатларимга берилган бахонинг асарларимни ёзиш орқали амалга оширган ишларим аҳамиятидан анчагина юқорилгини эътироф этган ҳолда қабул қилмоқдаман. Мен келажакда ёзишим керак бўлган кўплаб асарлар айна вақтда эълон қилинганларидан кўра кўпроқ эътирофга лойиқ бўлишига умид боғлашимгина мумкин. Ва, албатта, мен мукофотни унинг пойдеворига қўйилган анъаналарига риоя қилган ҳолда қабул қилишман.

Штатлари номидан қабул қиламан. Халқ сифатида биз ҳали ёшмиз, имкониятларимизнинг чин маънода гуллаши эса вақт масаласидир.

Аммо Сельма Лагерлёфга шу каби ишонч билдирган, шунингдек, бошқа турли соҳаларда ҳам аёлларнинг қўшган ҳиссаларини эътироф этган сизларга, эҳтимол, қаршиғизда айнан аёл турганининг аҳамиятини тасаввур қилиш қийиндир. Мен бу сўзларни ёзувчилар ёки аёллар номидан эмас, барча америкаликлар номидан сўзлаганман, зотан, биз ҳаммамиз катта аҳамиятга эга бўлган мазкур воқеага дахлдормиз.

Мен узоқ йиллар мобайнида бир ҳаводан нафас олганим – Хитой халқи борасида сўз айтмасам, ўз виждоним олдида ҳақиқатни тан олмаган бўлардим. Унинг тақдирини менинг ҳам тақдирим эди. Ватандошларим ва мени бағрига қабул қилган ўлка – Хитой халқи дунёқараши кўп томондан уйғун, бироқ озодликни севиши жиҳатдан улар бир-бирига янаям кўпроқ ўхшайди. Бу айна вақтда бошқа вақтларга қараганда одилонга, зеро, Хитой жанглари энг буюғига – озодлик учун курашга кирган. Мен Хитойга сира бугунги кундагичалик самимиёт билан қойил қолмаганим, боиси, у аввалгилардан фарқли равишда, айна вақтда ўз мустақиллигига тажовуз қилган душманларга қарши бирлашди. Ўз озодлиги йўлида курашга жазм қилишдаги қатъиятда Хитой – бу хислат унга жуда хос – ўйлайманки, енгилмасдир. Бугун Озодлик хисси бошқа инсоний бойликларга нисбатан жуда ҳам катта неъматдир. Биз, Швеция ва Қўшма Штатлар, шундай бойликка эгамиз. Менинг мамлакатим ҳали ёш, бироқ у сизларни бизнинг қадимий ва озод еримизда ўзига хос дўстона ҳис билан олқишлайди.

Рус тилидан Маъруфжон ТОШПҮЛАТОВ таржимаси



Ража Ражесвари Ситҳа РАМАН:
Қасос қора рангда, жароҳатлар оқ

– Адабиёт учун, айнан жазон адабиёти ва ундаги миллионлаб шеърсеварлар учун амалга оширган ишларингизни қай даражада деб баҳолайсиз?

– Дастлаб, "Жаҳон адабиёти" атамаси 1827 йилда немис ёзувчиси Йоҳан Волганг Фон Гёте томонидан қўлланган. Адабиётнинг дунё мамлакатларидан салмоқли ўрин эгаллашда бу атаманинг хизмати катта бўлди. Биламизки, асарларнинг ўз мамлакатидан ташқари дунё халқларига ёйилиши таржима орқали амалга оширилади. Шунинг учун мен таржимон сифатида, шеърларни турли дунё тилларига таржима қилганимни, адабиёт учун, инсоният учун муҳим ҳиссам деб ҳисоблайман. Жумладан, Испаниядаги www.point-editions.com ва

Польшадаги 30 дан ортиқ мамлакатда 10 000 дан зиёд қузутовчилари бўлган www.poetrybridges.com.pl каби электрон журналларга кўплаб таржималар қилиб тураман.

Фикримча, таржима асарлар ўша миллатнинг ўзига хослиги, маданияти, эстетика ва табиий ҳусусиятлари ёйилишига замин яратാди. Инсониятнинг бой мероси асарларнинг келиб чиқишига хизмат қилса, таржима бу асарларнинг дунё юзини кўришига, фикрингиз кенг ёйилишига замин яратади.

– Шеърининг инсонлар ҳаётидаги ўрнини қандай баҳолайсиз? Агар шеърят бўлмаганида, унинг ўрнини босадиган нимадир бўлиши мумкин эдимиз?

– Шеърят дунёдаги энг қадимий санъатлардан бири ҳисобланади. Шеър инсоннинг бутун ҳаёти давомида, туғилиш ҳақидаги эълонларда, қабртошларда, тантанали маросимларда, ижтимоий тармоқларда, радиода, дарсликларда, ибодат китобларида, умуман олганда, ҳамма даврларда мавжуд бўлган. Бир сўз билан айтганда, шеърят ҳар биримизнинг ичимизда яшайди, сабаби барчамиз бир қатор хотиралар ва йўқотиш-топишларга эгамиз. Шеърят бизга қандай яшашни, ҳаётимизни қай тарзда бошқаришимиз кераклигини ўргатади. Дунёни англашимизга ёрдам беради. Юрагимизда ҳамдардик, меҳрибонлик туйғуларини уйғотади.

– Ҳозирги давр шеърятининг тарғиб қилинишини ижтимоий тармоқларда тасаввур қилиб бўлмай қолди. Бу бора-

даги фикрларингизни ҳам тингласак.

– Йигирма биринчи асрда барча ёзувчилар учун ижтимоий тармоқда бор бўлиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки ижтимоий тармоқларда дунё бўйлаб миллионлаб фойдаланувчилар бор. Шу сабабли шоирларнинг ижтимоий тармоқларда фаол бўлишлари улар учун катта фойда келтиради. Хусусан, ҳозирда "Ижтимоий тармоқ шоирлари" ёки "Инстаграм шоирлари" дея тарқалган атамалар бунга ёрқин мисол бўла олади. Улар ўз шеърларини тарқатадилар ва каттагина аудиторияни ўз атрофларида бирлаштирадилар. Ижтимоий тармоқлар иждоқорнинг ўз аудиториясини кўпайтиришга ёрдам беради. Бу ўз мухлислари, ўқувчилари билан боғланишнинг ва ўзгаларнинг эътиборига тушиши энг самарали усулдир. Рақамли ахборот тезлаштираётган бугунги даврда иш бошлаш учун ижтимоий медиа воситалари аjoyиб имкониятларни таклиф қилади. Фейсбук ва Инстаграм каби ижтимоий тармоқлар энг катта аудиторияга эга бўлган медиа платформалар ҳисобланади. Бу аудиторияларда шоирлар қисқа вақт ичида кўплаб мухлисларга эга бўлишлари мумкин. Лекин ижтимоий тармоқда танилиш адабиётга дохил бўлиш дегани эмас. Шеър ҳамиша, қачон ва қаерда бўлмасин, мухлисини ўзи излаб топади!

Рус тилидан Маъруфжон ТОШПҮЛАТОВ таржимаси

Муассис:

"ТАФАККУР ВУЛОГ" масъулияти чекланган жамаиати

Тажриб хайъати:

- Акмал САИДОВ
- Дилшод САИДЖАНОВ
- Сирожиддин САЙИД
- Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
- Шароф УСНАТДИНОВ
- Шухрат РИЗАЕВ
- Рустамбек ШАМСУТДИНОВ
- Муртазо СУЛТОНОВ
- Ахрор АҲМЕДОВ
- Бахтиёр ИСҲОҚОВ
- Тоштемир ТУРДИЕВ
- Шухрат НОСИРОВ
- Кўчқор НОҚОБИЛ

Ҳамкорларимиз:

- Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши
- Ўзбекистон Республикаси Президентияси Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
- Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
- Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги
- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
- Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи

Бош муҳаррир
Хосият РУСТАМОВА

Маънавий-маърифий, адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий газета

№ 4521 буюртма
Газета 2001 йил 8 декабрдан чиқа бошлаган.

ISSN 2010-6122

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0258 рақам билан 2012 йил 26 январда қайта рўйхатдан ўтган.

Саҳифаловчи:
Шаҳобиддин МАХМАДИЕВ

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Телефонлар:
(71) 244-36-97
244-36-99
244-36-90

e-mail:
kitobdunyoisi@mail.ru

Материаллар газетадан кўчириб босилганда "Китоб дунёси"дан олингани кўрсатилиши шарт.

Баҳоסי келишилган нарҳда

Адади: 6378

Босишга топшириш вақти – 19.00
Топширилди – 19.00
№ V – 4098

Газета "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ҳажми А-2
бичимда, 4 босма табоқ, офсет усулида



Ража Ражесвари Ситҳа Раман – малайзиялик шоир, таржимон, адабиётшунос ва носир. У Малайя университетининг фалсафа доктори илмий даражасига ва Малайзия таржимонлар уюшмасининг фахрий унвонига сазовор бўлган.

Шеърлари маҳаллий ва халқаро миқёсдаги 90 та антологияда нашр этилган ва дунёнинг ўнлаб тилларига таржима қилинган.



Сожорнер ТРУТ (1797-1883), собиқ чўри

АЁЛ ЭМАСМАНМИ МЕН?

(Қора танли мазлуманинг 1851 йилдаги нутқи)

Хўш, болаларим, шовкин қўнган жойда озгина тартиб ўриятсакмикин. Ўйлашимча, Жанубдан қора танли-гу Шимолдан оқ танли аёллар ҳуқуқ тўғрисида сўз очишаркан, оқ танли эркеклар ҳадемай ўзларига келиб қолганлиди. Аммо бу ерда бўлаётган гаплар нима ҳақида ўзи?

Анави одам айтдики, аёлнинг кўлидаги юкига химо бериб, зовур ёки лой-балчиқдан ўтказиб қўйиб ва унга жой кўрсатиб марҳамат қилиш керакмиш. Ҳеч ким ҳеч қачон юкимни кўлимдан олмаган, лойдан ўтказиб қўймаганам ва ҳеч қанақа жоям бермаган! Мен аёлга ўхшайманми-а? Менга бир қаранглар-чи! Қадоқ кўлларимга қаранг! Ер ҳайдадим, экин эдим, гарам йигдим ва ҳеч қайси эркек мендан ўзолмади! Менам ожиза эмасмидим? Эркеклардан қолишмай ишладим, улардан кам ош-нон емадим – агар насибам қўшилган бўлса – ва уларникига тенг зарбалар оғригига дош бериб келдим. Хўш, ким айтади мени аёл эмас деб? Мен ўн уч нафар жонни дунёга келтирдим-у, жужукларимнинг кўпчилиги-

ни сотиб юборишганига мўлтираб гувоҳ бўлдим, холос. Оналик қайғусига ботиб кўз ёши қилиб юрган ана шундай пайтларимда Исодан бўлак ҳеч зот мени эшитмади. Шундан кейин ҳам мен аёл эмасманми? Энди улар, ҳалиги, одам бошида бўладиган нарса ҳақида гапиришяпти, нима дейиларди... Интеллек, шундайми, қақажонларим? Бунинг қора танлилар ёки аёллар ҳуқуқига дахли борми? Агар менинг бош суягим бир мисқоллик, сизники эса чоракталик бўлса, нима, сиз менга ақалли яримта қилиб тўлдирини тақийлайсизми? Энди хўш анов ердаги пастак кишининг айтишича, аёлларга эркекларчалик ҳуқуқ берилмаслиги керак эмиш, чунки Исо Масих аёл киши бўлмаган экан! Сизнинг Исо

Масихингиз қаердан келганини биласизми ўзи? Яратган Эгамдан ва аёлдан! Эркек киши бунга элполмаслиги турган гап. Агар Худо яратган биринчи аёл ёлғиз ўзи дунёни тўнтаришга етарлича кучли бўлган бўлса, мана шу аёлларнинг ҳаммаси бир бўлиб қайтадан дунёни оёққа қўя олишадиям! Башарти, аёллар бунга сўраб қолишса, яхшиси, эркеклар йўл қўйиб берсинлар. Каминани тинглаганингиз учун ташаккур, энди Сожорнер момонгизнинг айтадиган бошқа сўзи қолмади.

Рус тилидан
Камолхон ЗАКИРОВА
таржимаси

ХОРИЖДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ЮЗАСИДАН СИЗНИ ҚИЗҚИТИРУВЧИ БАРЧА САВОЛЛАРГА УЛАРИНИНГ ЎЗЛАРИДАН ЖАВОБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН!

Роберт АДАМСОН, Австралия, Сидней Адабиёт ҳамжамияти мутахассиси.
Беттина БАЛЕКА, Австрия, шоира, "Австрия адабиёти учун" давлат мукофоти маслаҳат кенгаши аъзоси
Кристофер ФОРД, АҚШ, Мичиган университети илмий ходими.
Рикардо ДОМИНИК, Бразилия, Жанубий Америка инглиззабон шоирлар ассоциацияси маслаҳатчиси.
Хусайн ибн ҲАМЗА, Германия, Германиядаги шарқлик шоирлар уюшмаси раҳбари.

Акиф ХОНСУЛТОН, Грузия, "Қорапақлар" илмий журнали Бош муҳаррири.
Мзвакхе ИБУЛИ, Жанубий Африка Республикаси, Африка Миллий шеърят академияси саркоотиби.
Нилл АЙТКЕН, Канада, Торонто адабий таржима бирлашмасининг Осиё мамлакатлари бўлими бошлиғи.
Ким Бит НА, Корея-Ирландия, Ирландия Миллий университети шарқшунослик факультети илмий ходими.
Ҳангюк АГИАТ, Непал шоири, "Ражан Мукарунг" ёзувчилар кенгаши етакчи мутахассиси

Хонг ИН, Хитой адібаси, Пекин таржима маркази ходими
Зарина КАНУКОВА, Қабардин-Болқор, "Горянка" газетаси Бош муҳаррири.
Олтинбек ИСМОИЛОВ, Қирғизистон, Манас университети ўқитувчиси, шоир.
Эркин СЕРИКБАЕВ, Қозоғистон, "Жалин" журналы масъул котоби.
Зера БУКIROVA, Қирим, "Янги дунё" газетаси Бош муҳаррири.
Ҳадда СЕНГОР, Мўғулистон, Мўғулистон Ёзувчилар Иттифонининг "Халқаро алоқалар" бўлими бошлиғи.

Ҳанне ЭРСТАВИК, Норвегия жамияти етакчи мутахассиси.
Акбар ҚУШАЛИ, Озарбойжон, Дунё ёш туркий ёзлар бирлиги раиси.
Алмаз УЛВИ, Озарбойжон, навоийшунос олима, профессор.
Рафиқ САЙДУЛЛО, Россия (Архангельск), Шимолий (Арктика) федерал университети талабаси.
Нилуфар ШИХЛИ, Россия (Москва), журналист.
Изабелла ТАН, Филиппин, Филиппин Шеърят академияси котоби.

Эллина SEO, Финляндия, Финляндия Таълим маркази етакчи мутахассиси.
Денис ЭМОРИН, Франция, "Париж йилномаси" нашри мутахассиси.
Антонис ФОСТИЕРИС, Юнон шоири, ҳуқуқ фанлари доктори, Афина миллий университети профессори
Кимйё ТАНАКА, Япония, "Шири Хайкусфер" лойиҳаси раҳбари.